

УЎТ:633.511.631.526.32:631.

**САБЗИ НАВЛАРИНИ АГРОТЕХНИКАСИ ВА УРУГЧИЛИГИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ****Эгамов Хусанбой**

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг доценти, к.х.ф.н.

Абдурахимова Анорахон Рустамбоевна

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг докторанти.

Кўшақов Нематилло Жуманиёз ўғли**Солижонов Шохбоз Зафаржон ўғли****Рўзиев Яхёбек Мухаммаджон ўғли**

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг магистрантлари

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6625191>

Аннотация. Мақолада, сабзи навларининг қисқача агротехникаси ва уругчилигини такомиллаштириш келтирилган. Енг юқори ҳосил ва уруғ берган сабзининг “Қизил мишак” навини ишлаб чиқаришда екинга тавсия этилгани баён этилган.

Калим сўзлар: сабзи, ҳосилдорлик, нав, уругчилик, азот, фосфор, калий.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ АГРОТЕХНИКИ И СЕМЯН СОРТОВ МОРКОВИ

Аннотация. В статье представлена краткая агротехника и совершенствование семеноводства сортов моркови. Описано, что наиболее высокоурожайную и семенную морковь рекомендуется высевать при производстве сорта “Кизил мишак”.

Ключевые слова: морковь, урожайность, семеноводство, азот, фосфор, калий.

IMPROVEMENT OF AGROTECHNICS AND SEEDS OF CARROT VARIETIES

Abstract. The article presents a brief agricultural technology and improvement of seed production of carrot varieties. It is described that the most high-yielding and seed carrots are recommended to be sown in the production of the “Kizil Mshak” variety.

Key words: carrots, productivity, sort, seed culturing, nitrogen, phosphorus, potassium.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Харажатлар стратегияси бу борада, муҳим дастури амалдир. Мазкур ҳужжатга асосан, 2021 йилга қадар тупроқ унумдорлиги нисбатан паст, сув таъминоти оғир, паст рентабелли пахта ва ғалла екин майдонларини босқичма-босқич қисқартириш орқали, улар ўрнига мева-сабзавот, дуккакли-дон, картошка, мойли ва бошқа озуқабоп екинларни жойлаштириш, кўплаб долзарб вазифаларни ҳам-жиҳатликда, маъсулят билан белгиланган муддатларда адо этмоғимиз лозим [1].

Республикамызда сабзавот, полиз ва картошка екинларини етиштириш билан шуғулланувчи дехқон, фермер ҳамда мутахассисларнинг асосий мақсад ва вазифалари хар гектар суғориладиган ердан олинадиган сабзавот, полиз, картошка маҳсулотлари миқдорини юқори ва сифатли ҳосил етиштириш ҳисобига кескин оширишдан иборат.

Инсон учун сабзавот, полиз, картошка маҳсулотларинини етарли равишда ишлаб чиқариш муҳим аҳамиятга егадир. Аҳолини сабзавот, полиз, картошка маҳсулотлари билан таъминлашни кескин яхшилаш ҳамда узлуксизлигини яратиш хозирги даврнинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Сабзавот маҳсулотларининг қиммати ва инсон овқатланишдаги бебаҳо аҳамияти уларининг таркибидаги одам танасининг меёри ривожланиши ва ҳаракат қилиши учун зарур бўлган витаминлар, ферментлар, оксил моддалар, ёғлар, углеводлар ва минерал тузлар кўп миқдорда борлигидадир [2, 124-135 б., 3, 381 б].

Дехқончиликда ишлар аввало екиладиган сабзавот, полиз ва картошка екинларини тупроқ турига қараб жойлашни режалаштиришдан бошланади. Бунда ушбу екинларни биологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда бажарилади. Сабзавот-полиз екинларини жойлаштиришда, албатда уларни алмашлаб екиш кўзда тутилиши шарт.

Полиз маҳсулотларининг озиқ-овқатлик қиммати бебаҳодир. Уларда турли туман органик ва минерал моддаларнинг борлигини таъкидлаш билан бирга дориворлик хусусиятини ҳам қайд этиш лозим.

Сабзавот маҳсулотлари таркибидаги қуруқ моддаларнинг асосий қисми углеводларга тўғри келади. Углеводлардан, глюкоза, фруктоза ва сахароза каби эрувчан қанд моддаси кўп учрайди.

ТАДҚИҚОТ АШЁЛАРИ ВА УСЛУБЛАРИ

Ўзбекистон шароитида энг кенг фойдаланиладиган сабзавот маҳсулотларидан сабзи мевасини агротехникасини такомиллаштириб ўрганиш билан энг мақбул вариантларини ишлаб чиқаришга тавсия этиш мақсад ва вазифа қилиб қўйилди.

Сабзи агротехнологиясини такомиллаштириш вариантларга ҳар хил ўғитлаш ва гўнг миқдори бўйича ўрганилди. Юқори натижа қайд этган вариантлар ишлаб чиқаришга жорий этилди. Андижон вилоятининг тупроқ - иқлим шароитида:

-тажриба қўйишдан олдин тупроққа дастлабки агрохимёвий тавсиф берилди;

-тажриба майдонидан белгиланган кесимида тупроқ намуналари олиш ва бу тупроқ намуналари таркибида чиринди, ялпи азот, умумий фосфор, тупроқдаги озуқа элементларини ҳаракатчан формаларидан нитратли ва аммонийли азот, ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчи калий миқдорларини аниқланди.

Тажриба Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг тажриба даласида олиб борилди. Тажрибада Абако F1, Болтекс F1, Қизил мшак, Фаровон сабзи навлари о`рганилди.

Андижон вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқларининг агрофизик ва агрохимёвий хусусиятлари сабзи экиннинг ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир этиши аниқланди. Тажриба даласидаги тупроқнинг ғовақлик хусусияти эса, барча вариантларда тупроқ ҳажм оғирлигига бевосита боғлиқ равишда ўзгариб борди. Бошқача айтганда, тупроқ зичланиши камайганда ғовақлик хусусияти яхшиланди, тупроқ зичланиши ортиб борганда, ғовақлик хусусиятини пасайиши кузатилди.

Тажрибада ўрганиш учун бир неча сабзи навлари экилиб уларни ҳосилдорлиги ҳисобланди. Маълумотларга асосан энг юқори ҳосилдорлик 5-вариантда эканлиги аниқланди. Ишлаб чиқаришга қуйидагича таклифлар берилди.

Сабздан юқори, илдизмева ҳосил олиш учун ўтлоқи тупроқлар шароитида гектарига соф ҳолда 200 кг азот, 150 кг фосфор ва 75 кг кали ўғитлар қўллаш тавсия этилади. Этиштирилган сабзини узок муддат сақлаш мақсадида азотли ўғитлар меъёрини 200 кг/га дан оширилмаслик тавсия қилинади.

Тажриба тартиби

1-жадвал. Мадан ўғит ва гўнгни сабзининг ҳар хил нав ва дурагайларнинг ҳосилига таъсири.

Варан т.№	Ўғит ва гўнг миқдори
1	Ўғит солинмаган (назорат)
2	100 кг азотли ўғит солинганда
3	100 кг фосфорли ўғит солинганда
4	100 кг азотли ва 100 кг фосфорли ўғитлар солинганда
5	200 кг азотли+ 150фосфорли+ 75 калийли ўғитлар солинганда
6	Гўнг солинмаганда
7	40 тонна солинганда
8	20 тонна солинганда

Андижон вилоятининг ўтлоқи тупроқлари шароитида сабзининг дурагай ва маҳаллий навларини турли ўғитлаш ва гўнг солиш меъёрида ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири илк бор ўрганилди. Юқори ҳосил берган вариантлар ишлаб чиқаришга тавсия этилди. Дала тажрибалари Андижон вилоятининг Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг тажриба хўжалигида ўтказилди. Тажриба даласи ўтлоқи тупроқлардан иборат, ўртача қумлоқ меҳаник таркибли, қадимдан суғорилади, шўрланмаган.

Сизот сувлари ер юзасидан 1,5-2,0 м чуқурликда жойлашган. Тупроқ хайдов қатламидаги чиринди миқдори 0,8-1,0 %, хажм оғирлиги 1,35-1,38 г/см³.

Тажриба хўжалигининг тупроқ шароити ва иқлими Андижон вилоятининг ўтлоқи тупроқлари минтақасига мос келади.

Тажрибадаги ҳар бир бўлакча узунлиги 10 м, ени 1,0 м, бўлинмалар майдони 10 м² ни ташкил этиб, 1 ярусда, 4 қайтариқда жойлаштирилди. Жами 8 вариантни ташкил қилди. Вариантлар 1 қатордан иборат бўлди.(1-жадвал).

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Тажрибада навларни ҳосилдорлиги ҳисобланди. Маълумотларга асосан энг юқори ҳосилдорлик 5- вариантда эканлиги аниқланди (2-жадвал).

2-жадвал. Мадан ўғит ва гунгни сабзининг ҳар хил дурагай ва маҳаллий навларининг ҳосилига таъсири, т/га.

Вар №	Ўғит ва гўнг миқдори	Абако F ₁	Болтекс F ₁	Қизил мшак	Фаровон
1	Ўғит солинмаган (назорат)	9	10	10	11

2	100 кг азотли ўғит солинганда	1 5	1 7	1 6	18
3	100 кг фосфорли ўғит солинганда	1 4	1 3	1 5	16
4	100 кг азотли ва 100 кг фосфорли ўғитлар солинганда	1 6	1 8	1 7	19
5	200 кг азотли+150фосфорли+75 калийли ўғитлар солинганда	1 9	1 9	2 0	19
6	Гўнг солинмаганда	1 1	1 0	1 2	10
7	40 тонна солинганда	1 4	1 2	1 3	15
8	20 тонна солинганда	1 2	1 1	1 2	13

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, маҳаллий ва дурагай сабзи экинida энг юқори ҳосил 5-вариантда уруғ йиғиб олиш ҳам шу вариантда юқори бўлиб (3-жадвал), яни 100 кг дан азотли+фосфорли+калийли ўғитлар солинганда Қизил мшак навидан олиниб, назорат навига нисбатан 10 тонна ошиқча берди ҳамда шу вариантда энг юқори сабзи уруғи олинди. Энг кам ҳосил эса, гўнг солинмаганда 6-вариантда кузатилди.

3-жадвал. Мадан ўғит ва гўнгни сабзининг ҳар хил дурагай ва маҳаллий навларининг уруғлик ҳосилига таъсири, кг/га.

Ва р №	Ўғит ва гўнг миқдори	Абако F ₁	Б олтексF ₁	Қ изил мшак	Ф аровон
1	Ўғит солинмаган (назорат)	1 55	1 60	1 65	17 5
2	100 кг азотли ўғит солинганда	1 90	1 95	1 85	21 0
3	100 кг фосфорли ўғит солинганда	1 90	1 85	1 80	19 0
4	100 кг азотли ва 100 кг фосфорли ўғитлар солинганда	2 05	2 20	2 00	21 0
5	200 кг азотли+150фосфорли+75 калийли ўғитлар солинганда	2 10	2 20	2 50	20 0
6	Гўнг солинмаганда	1 80	1 55	1 60	15 0
7	40 тонна солинганда	1 70	1 80	1 90	17 5

8	20 тонна солинганда	1	1	1	17
		60	70	65	5

ХУЛОСА

Хуллас, сабзидан юқори илдизмева ва сабзи уруғ ҳосили гектарига 200 кг азотли 150 кг фосфорли ва 100 кг калийли ўғитлар қўлланилганда олинди айниқса, азотли+фосфорли+калийли ўғитлар нисбати тўғри қўллаганда назоратга нисбатан 5-вариант 10 тонна гектарига қўшимча илдиз мева ҳосилини берди ва назоратга нисбатан шу вариантда 85 кг/га қўшимча уруғ йиғиб олинди.

Сабзидан юқори, илдизмева ҳосили ва уруғлик олиш учун ўтлоқи тупроқлар шароитида гектарига соф ҳолда 200 кг азот, 150 кг фосфор ва 75 кг кали ўғитлар қўллаш тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича “ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЙАСИ”. Тошкент, 2017.
2. Зуев В.И., Қодирхўжаев О.Қ., Адилов М.М., Ақромов У.И. Сабзавотчилик ва поллизчилик. Тошкент, 2009. – б. 124-135.
3. Останақулов Т. Сабзамотчилик. Ташкент 2016 йил 381 бет.